



ҚАРДОШЛАР ОИЛАСИДА

[Боши биринчи бетда].

дош халқларнинг ўзаро ёрдами билан таъминланади. Совет Украинеси меҳнатқашлар тарихин қисқа вақт ичида экономика, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди. Социалистик ҳаётнинг ҳар бир йили революциядан илгариги тараққиётнинг неча ўн йилларига тенгдир.

Украин халқи ўзининг ҳамма ишлари ва ҳамма зафарларида ўз қардошлари — совет халқларининг, аввало, улғур рус халқининг дўстона ёрдами ва маддаидан доим баҳраманд бўлиб келмоқда.

«Запорожсталь», Харьков трактор заводи ва Новокраматорск машиностроительного заводи, Днепродзержинск каби индустриал гигантлар вужудга келтирилган биринчи беш йилликлар даврини эсга олайлик. Улар барча совет халқлари меҳнатининг самарасидир. Днепродзержинскда 50 миллион вақилари меҳнат қилганини айтиб ўтиш керак. Мамлакатимизнинг ҳамма областлари энгги курилишлар учун материал ва машина-ускуналар юбориб турди.

Улғур Ватан урушининг оғир синов йиллари ҳеч қачон хотиримиздан кўтариламан. Ягона оилага ҳос ҳис-туйғулар уруш йилларида жуда яққол намоён бўлди. Украинанинг 4,5 миллионга яқин фарзанди бошқа республикалардаги қардош халқлар билан бир акадан бош чиқариб, Москва ва Ленинград остонларида, Волга соҳилида ва Курск дугасида, Кавказнинг тоғ этакларида ва Болтиқ бўйи мамлакатларида Ватан учун қаҳрамонона жанг қилдилар. Рус, белорус, грузин, қозоқ, ўзбек, арман халқлари ва бошқа совет халқларининг миллионлари фарзандлари Украина тупроғида фашист босқинчиларини тормор қилдилар. Халқларининг жанговар дўстлигини кўрсатувчи икки фактнинг келтириб ўтмоқчиман. Биринчи Украина фронтининг Днепр учун олиб борган тарихий жангида Совет Иттифоқи Қаҳрамони уновини олишга сазовор бўлган жангчилар орасида 33 миллион вақилари бор эди. Республиканинг вақтинча босиб олинган территориясида ҳаракат қилган ва қариб 600 минг халқ қосқичларини бирлаштирган партизан отрядларида Совет Иттифоқидаги 60 дан ортиқ миллион ва элат вақилари жанг қилдилар. Украин халқи мамлакатимиздаги барча халқларнинг фарзандлари ўз озолиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилганини ҳеч қачон унутмайди.

Халқлар дўстлигининг буюк кучи жанг майдонларидагина эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлди. Рус, қозоқ, ўзбек, грузин, бошқар халқлари ва бошқа халқлар оғир дамларда Украинанинг душман томонидан вақтинча босиб олинган территориясидаги миллионларча кишиларнинг ўзларининг кенг кучи оғир кўтиб олишда, ўзларининг бир бурда ноини ҳам улар билан баҳам кўриши, республикадан кўчирилган қорқонларни жойлаштириш ва уларнинг ишини кўлга кўйишда ёрдам беришди. Янги жойларга кўчирилган заводлар тез тикланди, фронт учун махсуслат бера бошладилар. Мамлакатнинг шарқий районларида Украина ССР Фанлар академиясини, Украинанинг олий ўқув юрталари, театрлар, ижодий союзулар иш олиб борди. Кўчириб келтирилган болаларга айниқса зўр ғам-ҳўрлик қилинди. Махаллий ақоли болаларни оқитиштириш, боқиб ва ўқитиш учун ҳамма чораларни кўрди. Урушнинг энг оғир кунларида ҳам уларни ўз она тилида ўқитиш ишлари ташкил этилди.

Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш осон кўчмади. Уруш мўлақатга жуда катта зарар етказди. Украина дёбири овоз қилингандан кейин муҳим бир маънада қасб этган эди. 714 шахар ва шахар тинидаги посёлка, 28 мингдан ортиқ кишлоқ виайрон қилинган эди. Уруш натижасида республика халқ ҳўжўлигини бевосита етказилган зарарига урушдан аввалги нархларда 285 миллиард сўмини ташкил этди.

Қардош халқлар уруш жароҳатларини даволашда ёрдам бердилар. Ғарбда қаттиқ жанглар давом этиб турган бир пайтда, Украинанинг овоз қилинган районларида бинокорлик материали техника, озиқ-овқат махсуслатлари ортилган эшелонлар мамлакатнинг ҳамма қисмидан келиб турди. Барча халқларнинг қардошларча ёрдами, социалистик тузумнинг афзалликлари республика халқ ҳўжўлигини мисли кўрилмаган қисқа мuddатларда тиклаш имконини берди.

Хозирги вақтда республикамизда санаят ишлаб чиқаришининг ҳажми 1940 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмидан тўққиз баравар ортиқдир. 1971 йилда Украина ССРда 209 миллион тонна кўмир, 117 миллион тонна темир рудаси, салкам 65 миллиард куб метр газ қазиб чиқарилди, 150 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 47,4 миллион тонна пўлат, 149 мингга трактор, қариб 497 миллион квадрат метр газлама ишлаб чиқарилди. Биз биринчи электрон-ҳисоблаш машиналари, сўйиш олиқсатр жаконда энг йirik самолётлар бизнинг республикамизда яратилганлиги билан фахрланамиз. Украина ССРда еттиштирилётган ғалланнинг бешдан бир қисмини бермоқда. Утган йили яқин дон ҳосили 39,4 миллион тоннага етди.

Социализмнинг буюк ўзгартувчилик кучи, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сийбати украин халқи маданиятининг тараққиётида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Украинда революциядан илгари аҳолининг 72 проценти саводсиз эди. Эндиликда бу республикада 15 миллионга яқин киши, яъни қариб ҳар уч гражданинг бири ўқимокда. Ишларга умумий ўрта таълим беришга ўтиш тугалланмоқда. Республикадаги 139 олий ўқув юртида 803 минг йигит ва қиз билим олмоқда. Украиндаги бир мингга яқин илмий-тадқиқот ва лойиқлаш-конструкторлик ташкилотларида 137 минг илмий ходим ишлаб турибди.

Коммунистик партия, Совет ҳокимияти, социалистик тузум тарбиялаб ўстирган ажойиб кишилар Украинанинг энг қимматли бойлиги ва буюк ғалабасидир. Меҳнатқаш меҳнатқаш киши ўзининг ақл-ҳидроки, ўз қўли билан республиканинг қиёфасини ўзгартиргани ҳолда унинг ўзи ҳам ўзгарди. Меҳнат ақли замонавий маданият, фан ва техниканинг, социализм ва коммунизм курилишининг мисли кўрилмаган бой таърибасини билди олиб, ўзининг ёрқин доирасини кенгайтирди. Республика ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг вақиларидан 163 мингга яқин киши савқиязини беш йиллик топишиларини муваффақиятли бажаришга ичун СССР орден ва медаллари билан мукофотланганлиги, 483 меҳнатчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак ўловига сазовор бўлганлиги қувончли бир ҳол эмасми, аҳир!

Совет халқларининг янги жаният қуриш йўлида эришган катта муваффақиятлари, халқлар бирлигининг тобора мустақамлашаётганлиги социалистик демократиянинг янада юксалиши, халқ ҳокимияти органлари — меҳнатқашлар депутатлари Советларининг ривожланиши билан чамбарчас боғланган.

Советлар халқ ҳокимиятининг шундай бир формасидирки, унда социализм демократияси принциплари тўла-тўқис қарор топади. Кенг меҳнатқашлар оммаси Советлар орқали давлат ишларини бошқаришга жалб этилади. Масалан, Украина ССР Олий Советининг 484 депутатидан 146 нафари иши ва 97 нафари колхозчидир. Республикдаги 10347 махаллий Советларда халқ сайлаган қариб 514 минг депутат бор. Булар катта куч бўлиб, ижтимоий ҳётнинг ҳамма томонларида катта таъсир кўрсатмоқда.

Республикамиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида эришган муваффақиятлари украин халқининггина эмас, балки Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг ҳам меҳнати ва ижодий натижасидир. Совет Украинанининг хозирги тараққиётини барча қардош республикалар билан мустақам ҳамкор-

ликсиз тасаввур этиш мўкин эмас. Совет халқларининг бирлиги коммунизм курилиши жароҳида тобора мустақамлашмоқда, совет халқлари моддий ва маънавий бойликлари бир-бирлари билан тобора кўпроқ баҳам кўрмоқдалар, ҳар бир республиканинг умумий ишга қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда.

Тўққизинчи беш йиллик бутун совет халқи каби республикамиз меҳнатқашларига ҳам буюк иштиболлар очиб беради. Совет кишилари бунёдкорлик ишларининг кенг қўламлирига қўниқиб, кўп миллатли улғур Ватанимиздаги барча халқларнинг турмуш даражасини тинмай юксалтириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги бу планда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Республикамизда санаят ишлаб чиқариш ҳажми беш йил мобайнида 43 процент ортиди. Украина 1975 йилда санаят махсуслатини 1940 йилда бутун Совет Иттифоқи санаят ишлаб чиқарганидан 3 баравар кўпроқ тайёрлаб беради. Беш йилликда республиканинг халқ ҳўжўлигини 80 миллиард сўмлик капитал маблағ сарфланди. 1975 йилда дон ҳосили 43 миллион тоннага етказилиши керак.

Янги беш йиллик план зўр ғайрат билан бажарила бошланди. Беш йилликнинг биринчи йили муваффақият билан тугалланди. Совет кишилари беш йилликнинг биринчи йилида КПСС XXIV съезди белгилаб берган буюк режаларни бажариш шiori остида меҳнат қилдилар. Беш йиллик биринчи йилининг ҳар кўни ижодкорлик, новаторларнинг ғайрат-шиқоати, миллионларнинг оммавий меҳнат қаҳрамонлиги билан нишонланди. Республикамизнинг меҳнатқашлари санаят махсуслатини реализация қилишининг умумий ҳажми ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик биринчи йили планини мuddатидан илгари, 28 декабрда бажардилар. Давлатга Украинанинг 12,6 миллион тонна ғалласи сотилди.


КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил ноябрь Пленуми беш йиллик план лойиҳасини ва энг муҳим халқроқ проблемаларини қараб чиқиб, ички ва ташқи сийбатинг партия XXIV съезди томонидан қўйилган асосий проблемаларини ишлаб чиқиши давом эттирди, съездан кейинги даврда қилинган ишларни махсуслати ва съезд қазиб берган режаларни бундан буюн ҳам бажариш юзасидан амалий вазифаларни белгилаб берди.

Бутун мамлакат каби Украина ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, бу қарорларга қаҳрамонона фидокорона меҳнат қилиш билан жавоб бормоқдалар. Украинда Москва ва Ленинград шаҳарлари, Ворошиловград области меҳнатқашларидан ўрнат олиниб, 1972 йил планларини, беш йиллик топишиларини мuddатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг авж олмоқда. Юбилей йили республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва маданиятининг ривожланишида олға қараб катта қадам қўйган йил, янги меҳнат зафарлари йили бўлиб қолишига шак-шўба йўқ.

Озод ва тенг ҳуқуқли республикаларнинг бири бўлиши уч орденли Совет Украиниси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган куннинг 50 йиллигини мўносиб кўтиб олишга тайёрланмоқда. Республика меҳнатқашлари ўзларининг бутун кўч-ғайрат, билими ва таърибасини КПСС XXIV съездининг тарихий режаларини амалга ошириш учун сарф қиладилар, фидокорона меҳнат қилиб, моддий ва маънавий бойликларини қўлайтирадилар, кўп миллатли севишли Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустақамлайдилар.



ДНЕЦКУГОЛЬ комбинатининг Е. Т. Абакумов номли шахтасининг ишчилари СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллиги тўғрисида мўносиб кўтиб олиш учун меҳнатда ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Бу номустининг меҳнат коллективини йил бошидан буюн ҳар ойда пландан ташқари кўлаб минг тонна кўмир қазиб чиқармоқда. Суратда: илғор ў-уштакнинг ишчи мишичлари (чапдан) М. Н. Нечитайло, В. Н. Ғалашчук ва А. Я. Опришко. Ф. Айзетлов фотоси.



ЗАПОРОЖЬЕ. Бу ердаги «Запорожсталь» металлургия заводининг домна-чанчилар ҳар домна графидан олдин юрадилар, ишлаб чиқариш қувватларини муттасил ошириб борадилар. Суратда: 3-домна печининг нечурунги кўриниши. А. Красовский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚАДИМИЙ ЎЗАН БЎЙЛАБ

ДЕНОВ. Чилмироб канали трассада ер қазувчи механизмлар ишга тушди. Ҳисор тизма тоғларининг этанлиридаги ерларда қадим замондан қолган канал реконструкция қилина бошланди. Қийматли бўйлаб олиб ўтилган бу канал Сангардан сойидан сув олади.

Бир вақтлар халқ мироблари, ирригаторлари қанлаган трасса бўйлаб ҳозир турила бошлаган канал секундида 10 куб метр сув ўтказиб олади. Бундан буюн ҳам ўзининг қадимий номин билан «Чилмироб» деб аталадиган бу сув табиий равишда оқадиган ўттиз километрли бу канал беш минг гектардан кўпроқ пахта майдонини сувга доимий қондириб сугоришга имон беради. Чилмироб канали курилиб бўлганидан кейин Денов колхозлари ана беш юз гектар кўриқ ерни сугоришлари мўкин.

ЯРИМ МИЛЛИОН ЖЎЖА

«Ўзтицепром» корхоналари йил бошидан бери колхозлар ва совхозларга ярим миллион жўжа юбордилар. Тошкент парранданичи фабрикаси ва «Ўзбекистон» парранданичи фабрикаси Бухоро ва Андижон областларига самолётлар орқали жуда кўп миқдорда жўжа юборишга тайёргар бўлимоқда.

Ўзбекистон парранданичи санаяти бу йил ҳаммаси бўлиб 9,3 миллион, ўтган йилдагига қараганда 700 мингга кўп жўжа еттиштириб чиқаради.

«Ўзтицепром» корхоналарида инкубаторлар йил бўйи ишлаб туради. Паррандаларнинг зотини яқшиллаш мақсадида катта ишлар олиб боришмоқда. Махаллий зот товуқлар урнига энди ҳамма жойда Болтиқ бўйидан келтирилган махсусдор оқ товуқлар боқилди. (ЎЗАТ).

СИРДАРЕДАГИ ҚУРИЛИШ УЧУН

Сирдарё ГРЭСи биринчи генераторининг барча узелларини етказиб бериш бугун тугалланди. Қуввати уч юз минг киловатт келадиган бу агрегат Ленинграддаги «Электросила» заводидан мuddатидан бир ой олдин тайёрланди.

Шундай қилиб, Нева соҳилидаги шаҳарнинг машинасозлари газ ёқилғиси билан ишлайдиган ва мамлакатда энг йirik бўлган биринчи блокни мuddатидан олдин, Энергетиклар кўниғача ишга тушириш юзасидан ўзбек қурувчилари ва энергетиклари билан биргаликда ўз зиммаларига олган мажбуриятини ўзларига тегишли қисмини бажардилар. Турбогенераторнинг пойдевори тайёрлаб қўйилди, Қозонни монтаж қилиш ишлари жўдала олиб боришмоқда.

Бу ерда тўртта ана шундай энергетик урнатилди, сўнгра 800 минг киловатт қувватли агрегатлар монтаж қилина бошлайди. Станциянинг тўла қуввати 4,4 миллион киловатт бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ

БАҲОР ВА ДИЁР ТАРОНАЛАРИ

Улғамизда кўнлам нафаси незмоқда. Фасиллар келинчаги — баҳор бутун борлиқини ўз зийнатлари билан яшартиргани кайи дилларга ҳам шодлиғу-қувонч бахш этади. Тошкент телевидение студиясининг СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик тўғрисида бағишлаб ўтказётган халқ талантлари кўригининг навабтадаги эшитириши ана шу ажойиб фасл йилда оро топди. Нега оқшом неча минглаб телетомошабинлар яна зангори экран қаршисига тулландилар. Бу сафар қадимий ва ҳаминша навиқор Бухоро области халқ талантлари ўзларининг талант ва истеъодларини намойиш қилдилар.

Фестиваль йордасига мувофиқ конкурс хор номерлари билан бошланди. С. Оржоникиде номидаги Бухоро Давлат педагогика институтининг хор коллективини «Лапар» ва «Мардона» кўшиқларини жуда тиниқ ва жўшиб ижро этидилар. Маҳмуджон Раҳимов моҳир дирижёр ва яхши бадий раҳбар эналлигини намойиш қилди. Ушунини номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртининг Мақсадох Юсупова дирижёрлиги қилган хор коллективини ҳам фестивалга яхши тайёргарлик кўриб келганини кўрсатди.

Наваб халқ чоғу асбоблари ансамблига берилади. Педагогика билим юртининг ўқувчиси Муҳаммад Атоев таъбир — сатода «Алла» кўниги метериғга етказиб чалади. Халқ чоғу асбоблари ансамбли ижро бўлган бу кўй жюри ҳайъатида ва телетомошабинларда яхши таассурот қолдириди.

Бухоро кишлоқ ҳўжўлиқ техникумининг тарих ўқитувчиси Русам Зираев «Ер истаб» ва «Мустаҳза» кўшиқларини жуда ширал ва ёнчили овоз билан кўйлаганда, ана шу кўшиқнинг моҳир ижрокис севишли халқ ҳофизини Маъмурин Узонов бекхўнёр ёнлизига тушди. Бу ижрокчи энг юқори баҳо билан таъдирланди. Бухоро нефть-газ ишлаб чиқариш бирилашмаси ҳўжўлиқ бадий ҳаваскорлиги тўғрисидаги азаси Элягуза Сайфуллина кўпчилигининг диққатини ўзига жалб этди. У ижро этган «Булбул» кўшиғи ниҳоятда нафис ва ғўзалдир.

«Най яласан» янграйди. Кўй соҳрига мафтун Мақсадохон Муҳаммад нева рақсга тушди. Унинг ноҳис, нафис ҳаракатлари, энгил чарх уриб айланишлари нақадар ёнчили, «Тоғли бадийи» унинг ялағга ҳамоҳанг бўлиб кетади. Қизилтапа район маданият уйи ақлобунинг мудири Салтанатхон Аббасова рақс тушганда диллар яйраб, кўзлар кувончга тўлади. Хотин-қизлар педагогика билим юртининг рақосалари «Бухоро халқ ўқитишни қўйди қилди ижро этидилар. Уянини балетмейстер М. Омонова чиройли сахналаштириб, фестивал программасини бойитгани тақсинга лойиқ.

Бухоро халқ талантлари бу телевизион фестивалга жуда яхши тайёргарлик кўриб келишган. Ижро этилган ҳар бир рақс, уйиллар солда, оддий, ийиллар ҳам Бухоронинг ўзига ҳос урф-одатига мос. Вочал-хор номерлари ҳам юқори маданият билан ижро этилди. Умуман, бухоронли халқ талантларининг концерт программаси юқори даража билан тайёрланган. Ҳар бир истеъдод эгаси ўз маҳоратини юқори кўтаришга ҳаранат қилётганини кўпчилигини ҳушуд этди. Фестивалнинг прологи ва финали жуда чиройли ва таъсирлидир. Истайнисин, бошқа областлар ҳам фестивалга қатнашар эканлар, ана шундай ёрқин талант ва маҳоратларини намойиш қилади.

Ўзбекистон телевизион фестивали давом этади. Эндиги наваб Андижон областида. А. Юсупов.

Техника тараққиёти—беш йиллик қаноти

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ УЙЛАР

Новоий уйсузлик комбинатида бўлган киши илгарилари шундай манзарата дуч қоларди. Бетон ортилган автосамосалар цехларга янгиб қоришмани махсус темир мосламаларга бўшатар ва улардаги қоришма кўприксимон қранлар воситасида кўтарилиб қолдиларга етказиб бериладилар. Бу жараён анча қийин ва кўп меҳнат талаб етаради.

Хозир бошқача. Мана, ташқи девор панеллари тайёрлаш цехини олайлик. Бу ерда пулыт орқали бошқариладиган тақсимлагич аравачалар ҳаракат қилиб туради. Бетон қоришмасини қолдиларга етказиб бериш тез ва қулай бажарилади. Янги бетон заводи ва цехлар комплекси ишга туширилган, ишини ана шундай ташкил этишга эришилди.

— Заводда ишловчилар ҳам илгаригидек кўп эмас. Автоматизация иш берилади. Бетон қоришмаси механизмлар ёрдамида белгиланган миқдорда тақсимлагич аравачаларга бўлинади. Янги заводнинг йиллик Бетон ишлаб чиқариш қуввати 60 минг куб метрга етати. Корхона реконструкция қилини махсуслат ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ортди, — деди цех бошлиғи Г. Маннонов.

Марказий бошқарув пулытда оператор Татьяна Гайде билан танилиш. Ҳар хил маркадаги бетонларни тайёрлаш учун буюртмалар шу ерга жўнайтилади. Қўниқин илшини автоматиза воситалари анча енгиллаштирган.

Яқинда уйсузлик комбинати ҳаётида қувончли янгилик юз берди. Нассет цехида йirik панелли янги хил уйларнинг қисмларини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди. Комбинат директори Станислав Ломмаков янги махсуслатнинг ўзига ҳос хусусиятларини бораида гапириб берди:

— Бизнинг янги махсуслати миздан асосан беш қаватли уйлар дунёга келди. Унинг қаватлиралари жуда қулай, ташқи кўрилиши эса чиройли. Бундай уйларнинг ҳар бирида 85 квадрат метр мавқуд бўлади. Панеллар олдтагидан бир мўнча қалтирлаштирилди. — Бу билан ушларнинг мустақамлиги ошди. Комбинатнинг реконструкция қилинишдан мақсад факат ишлаб чиқариш қувватларини ошириш эмас, балки уй қаватларини қўлайитириш масаласи ҳам назарда тутилди. Яқин кунларда Новоий шахрида 8-10 қаватли уй-жойлар қурилишга киришилади.

Янги цехлар юқори узум билан ишлайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Махсус конвейерлар воситасида уй қисмлари тайёр ҳолга келтирилади. Шундай қилинганда уларнинг монтаж қилиш вақти камайиб қурилиш жадвал сурьат ва юқори сифат билан олиб бориш имконияти туғилди.


Ишлаб чиқариш эстетикасига катта эътибор берилмоқда. Цехлар дастохлар, машина механизмлар ёқимли ранглар билан бўйланган. Хоналар кенг ва ёруғ. Шуниси қувонарлик, реконструкция давомида корхона бирор кун ҳам тўхтаб турмади. Янги микрорайон қурилишларида кўлада тутилганидан ташқари 50 квартиралар уй қисмлари етказиб берилди.

Ўзининг ҳалол меҳнати, ишбилармонлиги билан коллектив орасида танилган ажойиб усталаб кўп. Улар орасида қолдирилган бригадаси бошлиғи Хайрулла Имомтулов, нассетчи-ремонтчилар бригадаси бошлиғи Сергей Тиммаков ва арматурачилар бригадаси бошлиғи Исаи Минихлар айниқса юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаётдилар. Пензадаги политехника институтини битириб келиб, Новоий уйсузлик комбинатида меҳнат фаолиятини бошлаган иш мустаҳасилари Александр Литвинов, Александр Павличевлар ҳам тез орада қурувчиларнинг ишончига сазовор бўлиши.


КПСС XXIV съезди Директиваларида қурилиш сифатини янада яқшиллаш, уй-жойлар архитектураси, ташқи кўрилишини яқшиллаш, янги лойиҳалар бўйича барча қўлайликлар яратилган уйлар қуриш вазифалари алоҳида уқтирилган. Новоийлик бунёдкорлар ана шу даяватга амалий жавоб беришати. Эндиликда уйсузлик комбинати техника тараққиёти шарофати билан ҳар йили 70 минг квадрат метр уй-жой панелларини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Тўққизинчи беш йилликда шаҳарда 250 минг квадрат метр майдонга эга бўлган янги микрорайон қурилиш планлаштирилган. Бу уй-жойларнинг девори катта қисми уйсузлик комбинати махсуслати билан бунёд қилинади. Зарбдор қурилишларга мамлакатимизнинг турли томонларидан келётган ишчилар, мутахассислари уй-жой билан таъминлаш вазифаси ҳам уйсузлик комбинати коллективини зиммасига юклатилган. Қурувчилар зиммаларидаги топишиларини тўла-тўқис бажариш ва СССР 50 йиллигини мўносиб тортиқлар билан кўтиб олиш учун зарбдор вақтда туриб ишламоқдалар.

А. ШУКУРОВ.



ЯНГИЙУЛ районда техника баҳорги экишга тайёр. Агрегатларни шайлашда «Узсельхозтехника» район бирлашмаси колхоз ва совхозларга яхши ёрдам бермоқда. Суратда: илғор моторист Ю. Наливайко. И. Глауберзон фотоси.



Олмалик рўзғорбоп химия буюмлари заводи ишга туширилган кунининг бир йиллигини янги «Пальмира» пастаси ишлаб чиқариш билан нишонлади. Ил-ғазламани ювадиган бу модда беш корхона ўзлаштирган ўн учинчи хил махсуслатдир. Харидор Олмалик марнаси қўйилган молларни надралайдиган бўлиб қолди. Завод «Пальмира»дан сунг бир неча янги махсуслат ишлар ишлаб чиқара бошлади. Ил-ғазлама ва ичун газлама ювиқ иелтирилади.



Олмалик рўзғорбоп химия буюмлари заводининг махсуслатлари Москва, Ленинград, Харьков, Владивосток, Петропавловск-Камчатка шаҳарларида юборилмоқда. Коллектив беш йилликнинг иккинчи йилида мағазинларга тўрт минг тоннадан энг махсуслат чиқариш мажбуриятини олди. Завод 1975 йилда йўлжадаги қувватга эришган, рўзғор химияси махсуслати ишлаб чиқариш беш баравар кўпайди.

СПОРТ

ТОШКЕНТ ХОККЕЙЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Утган шанба-якшанба кунлари марказий «Юбилей» спорт саройига яна мухлислар тўпланишиди. Республикамиз пойтахтида биринчи марта хоккейдан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Ташкилотчи бўлиб, «Спартак» номиндаги Польшадан меҳмон бўлиб келган хоккейчиларни қабул қилишиди. Польша насаса соҳиблари терма командаси билан ўтказилган биринчи кунги учрашув мезонларга ғалаба келтирди: умумий ҳисоб — 10:7.



ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Шу кунларда Тошкентдаги Свердлов номи концерт зали астрада санъати мухлислари билан гапмура бўлиб турибди. Бу ерда «Орер» номидаги грузин вокал-эстрада ансамблининг концертлари муваффақият билан ўтмоқда.

Бу иккидэй коллектив 1961 йили Тбилис шаҳар чет тиллар институтини ташкил қилган хавасдорлик квартети асосида ташкил топган. Унинг икки қисқа фаолияти даврида бу коллектив томошабинлар томонидан эътироф этилди ва танилди.

Планетамизда

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР насаса соҳиблари XV съезидида сўзлаган нутқи бутун жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига жалб этди.

Социалистик ҳамдустлик мамлакатларининг жамоатчилиги Л. И. Брежневнинг нутқини эътибор билан қўлиб олди. Бу нутқ, деб эсади Болгарияда чиқадиган «Кооперативно село» газетаси.

Социалистик мамлакатларнинг матбуоти улуғ Ленин ёзилган байроғи остида борайтган барча халқлар миллионларча кишиларнинг ҳаётини манфаатларига мос бўлиб турган шу йўлни ташкил этиш учун курашганликларини таъкидлайди.

Чет элларда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи ҳақида баён қилинган фикрларда уфтириб ўтилганда, СССР ташқи сийосатида империализмнинг агрессив кирдиқорларига қарши зарба бериш халқаро проблемаларга ижобий ёндашиш билан, бир-бирига зид бўлган икки томоний системалардаги давлатлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришга тайёр туриш билан бир кўлиб олиб борилган.

газетаси жаҳоннинг ҳозирги проблемаларига реалистик ва ижобий ёндашиш Л. И. Брежнев нутқига хос хусусият эканлигини ва бу хусусият Совет — Америка муносабатлари тўғрисидаги масалаларда жуда яқин намоён бўлганлигини таъкидлайди.

Франция ташқи ишлар министри М. Шуманин баёноти бу мамлакатдаги рашии доираларнинг фикрини ифода этди. Л. И. Брежневнинг нутқи, деди М. Шуман, «Совет ҳукуматининг вазиётга реалистик нутқи назардан қараётганини тасдиқлайди».

СССРнинг Янги Шарк можабросига нисбатан тугган принципиал роли араб шарқи мамлакатларидаги шарҳловчиларнинг эътиборини ўзига кўпроқ жалб этди. Қоҳирада чиқадиган «Ал-Жумҳурия» газетаси мамнуният билан қўлидигиларни қай қилди: «Л. И. Брежнев Совет ҳукумати Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатишга интиляётганини яна бир марта таъкидлади».

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ ҶАҚИРИЛМОҚДА

РАВАЛПИНДИ. (ТАСС). Покистон президенти З. А. Бхуттонинг фармойишига биноан 14 апрелда Миллий ассамблеянинг уч кунлик сессияси очилди. Сессия муҳокамасига тўртта масала: президентга ишонч билдириш, мамлакатдаги ҳарбий ҳолатни шу йилнинг 14 августига қўчиш, Покистоннинг муваққат конституция-

РУХСАТ БЕРИШМАДИ

НЬО-ЙОРК. АҚШ давлат департаменти Куба кино санъати ва кино санъати институтининг директори Альфредо Гевара бошчилигидаги тўртта Куба кино режиссёрларига Америкага келишларига рухсат бермади.

ТАЖОВУЗ ТЎХТАТИЛСИН

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрининг вакили баёнот эълон қилди. Баёнотда 21, 22 ва 23 март кунлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини демилитаризация қилиш ва зонада жойлашган Вьетнам, Бирма ва Бирма-Лаос жамоаларини Америка артиллериясининг ўқига тўтиштирилиши айтилади. 23 мартда АҚШ самолётлари Куангбинь вилояти-

нинг бир қанча районларига ҳужум қилган.

Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрига Қўшма Штатларнинг юқорида кўрсатилган ҳарбий ҳаракатларини қаттиқ қоралайди ҳамда улардан Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитетини ва хавфсизлигини таъжовуз қилишдан иборат барча ҳаракатлари дарҳол тўхтатилишини қатъий талаб этди.

ҲУСАЙНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АММОН. (ТАСС). Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Иордания қироли Хусайн ўзи таъкиф қилган Бирлашган араб доттиларини тузиш режаси хусусида тўшутириш берди. Маълумки, 1,5 мунда қирол шу подшоҳини янги раёондан Нордан дарёсининг гарбий соҳилини ўз ичига олган Фаластин ва «аҳолиси подшоҳликни қўлинишга истак билдирган бошқа араб территориялари районидан бири, шунингдек Иордан дарёсининг шарқий соҳилини ўз ичига олган Иордан раё-

ХХР БИЛАН АҚШ АЛОҚАЛАРИГА ДОИР


ПАРИЖ. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабардор доираларга суяниб маълум қилди, Америка — Хитой муносабатлари масалалари Парижда икки мамлакат элчилари ўртасида эмас, балки Пекин ёки Вашингтонда муҳокама қилинади. Американинги Париждаги элчиси эса асосий ахдлашуви шакл эмас, балки кўпроқ воститани ролини ўйнайди.

УЧ ЭГИЗАК

Наврўнинг икки кунларда Тошкент шаҳар Чилонзор райони «Иқлиш шарари» маҳалласидаги 7-Гулистон кўчасида истиқомат қилувчи Маҳмадовлар Тоҳир Маҳмадовнинг рафиқаси



Ангола, Мозамбик ва Гвинея (Бисау) халқлари португалиялик босқинчиларга қарши адолатли курашини ғалаба қозонганга қадар давом эттиришга аҳд қилишган. Кенинган пойтахти Найробида очилган ярмаркага қўйилган ҳужжатлар ана шу мамлакатларнинг халқлари олиб борайтган ҳақрамо-нона кураш ҳақида, овоз қилинган раёнлардаги янги ҳаёт тўғрисида ҳикоя қилади.



Сиз «Штери» журналининг февраль сонидида босилган суратини кўриб турибсиз. Рур областининг конларидида сотилма қолган тошқумир тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Бу ердаги тошқумир запаслари миллион тонналар билан ҳисобланади.

ДЕҲЛИДА ХАЛҚАРО КИТОВ ЯРМАРКАСИ

ДЕҲЛИ. 25 март. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида китоб ярмаркаси зўр муваффақият билан ўтказилди. ЮНЕСКО ташаббуси билан уюштирилган бу ярмаркада 500 дан кўпроқ Ҳиндистон наприётини ва жаҳоннинг 23 мамлакатини шу жумладан СССР, Чехословакия, Венгрия ва ГДР дан чет эл наприётлари қатнашмоқда.

Жамилахон бирданга инчи киз ва бир ўғил кўрди.

Фотима, Зухра ва Ҳасан соғлом ўслити. Фарзандлари 8 нафарга етган Жамилахонга иккинчи-тоиларини тарбиялашда махсус энага қўмалашмоқда.

ДЎСТЛАРИМИЗ МАМЛАКАТЛАРИДА

Халқ Болгариясига қилган хизматлари учун

Болгария Халқ Республикаси давлат кенгашининг фармонларига биноан совет фани, маданияти ва санъати арбобларидан бир неча киши Болгария Халқ Республикасининг орденлари билан мукофотланди.

Болгария Халқ Республикасининг орденларини олишга сазовор бўлган кишилар орасида Грузия ССР Фанлар академиясининг президенти Н. И. Мусхелишвили, Арманистон ССР Фанлар академиясининг президенти В. А. Амбарцумян, академик К. И. Скрябин, композитор Д. Д. Шостакович, Ўзбекистон ССР халқ шоираси З. Исроилова бор. (ТАСС).

Янги техникага кенг йўл

Ҳозирги Кубанинги ҳаётда электроника мустақкам ўрни ола бошлади. Революциянинг ғалабасидан кейин мамлакатда социализмнинг иқтисодий базисини вужудга келтириш йўлига тушиб олган Коммунистик партия ва Революцион ҳукуматининг кейинги вақтларда амалга ошираётган бир қанча чора ва тадбирлари ҳисоблаш техникасини жадаллик билан ишлаб чиқишга ва мамлакат халқ ҳўжалигида бу техникдан муваффақиятла фойдаланишга ердан бермоқда.

1970 йилнинг бошида Куба мутахассислари «СИД 201» маркали биринчи ҳисоблаш машинаси яратган эдилар. Шундан сўнг «СИД-202» маркали тағин ҳам мукамалроқ машина яратилди. Қанд заводларининг иш режимиини программалаштириш, хом ашёни ташкиини ташкил этмоқ, шунингдек шакарқамиш этилганлигини билдирмоқ учун шу машинадан муваффақиятла равнида фойдаланилмоқда.

Гавана ва Санта-Клара университетларининг коллективлари яратган «Телданс» ва «Велданс» типидида илчам электрон-ҳисоблаш аппаратлари яқин фурсатда мамлакат сановатида кенг қўлланиладиган бўлиб қолади. Бу аппаратларни ишлаштиш унчалик мураккаб эмас.

Тараққиёт сари

Венгрия Халқ Республикасининг экономикаси кўч саийн тараққиёт этмоқда. 1971 йилда Венгриянинг миллий даромадини кўпайтириш ўтган йилга даражадан таъжизан 7 процент ошиб кетган. Сановат ишлаб чиқариши планда белгиланган суръатлар билан ривожлантириб боририлган. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми 30 процент кўпайтирилган. Умуман мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 1970 йил даражасидан 5-6 процент ортқ бўлган.

Убайдулла МУСАЕВ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 1939 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Убайдулла Мусаев тўсатдан вафот этди.

У. Мусаев 1914 йилда Тошкент областининг Зағитон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У пахтачилик ўқув комбинатини ва икки йиллик партия-совет мактабини тамомлаб чиққанидан кейин ўқитувчи, пахта тайёрлаш пунктининг мудирин, Зомин ва Янгийўл район комсомол комитетларининг биринчи секретари бўлиб ишлади.

У. Мусаев 1942 йилдан 1945 йилгача Улуғ Ватан уруши фронтларида бўлиб, автоматчилар взводига командирлик қилди. Жасур ва моҳир командир эканлигини кўрсатди. 1945 йилнинг март ойида қўлга қаданган оғир ярадор бўлди, унинг душман ўқи тешиб ўтган партия билети Москвада Совет Армияси Музеяида сақланмоқда.

Убайдулла Мусаев 1945 йилдан 1958 йилгача меҳнатқилар депутатлари Свердлов қишлоқ Советининг раиси, Янгийўл район «Авангард» колхозининг раиси бўлиб ишлади, меҳнатқилар депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетига, Свердлов номи колхозга бошчилик қилди. У ана шу лавозимларнинг ҳаммасида моҳир ташкилотчи, пахтадан мўл ҳўсал этиштиришнинг устаси эканлигини кўрсатди. Янгийўл район ва Тошкент областининг меҳнатқилар унинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш умуми жуда кўп ишлар қилган киши эканлигини яқши билдилар.



Убайдулла Мусаев натта жамоатчилик ишлари олиб борди. У Янгийўл район ва Тошкент область партия комитетларининг аъзоси, меҳнатқилар депутатлари район ва область Советларининг депутати қилиб сайланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати У. Мусаевнинг хизматларига юксак баҳо бердилар: У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди, I ва II даражали Ватан уруши орденлари, медаллар билан, халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланди.

Убайдулла Мусаевнинг порлоқ хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган ҳамма кишиларнинг қалбидида ҳамisha сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БҮГҮН

6.15 — Тоғчи концерт, 8.25 — Ўзбек халқ куйлари, 9.30 — И. Акбаровнинг «Тўғлар мубора» вокал сюитаси, 10.10 — Гитарада чалинадиган пьесалар, 10.30 — Ўзбекистон композиторларининг кўшиқ ва романслари, 11.15 — Институт ва лабораторияларда, 11.30 — Шу куннинг кўшиқлари, 12.15 — Сўхбатли концерт, 13.30 — Ўзбекистон астрадаси, 16.10 — «Коммунистлар», 16.50 — «Правда» газетасининг обзор, 18.00 — Ваҳор — янги ҳўсал гарони, 18.10 — Ўзбек балетларидан парчалар, 18.40 — Спорт ошиттириши, 19.20 — Қоракалпоқ куйлари, 20.00 — «Ешлик» программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда сўхбат, 21.10 — Кечки концерт, 21.50 — Саломатлик — туман бойлиги, 22.15 — Рақс куйлари, 22.40 — Адабий ошиттириш, 23.15 — Дам олиш концерти, 24.00 — Музикали программа.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Қўғирчоқ фильмлар, 10.30 — Марҳаб, талантлар (Вухсро области бадий хаваскорларининг чиқиши), 12.30—МОСКВА. 16.55—ТОШКЕНТ. 17.00 — Спорт мусобақалари, 18.00 — Вадий фильм, 19.20 — Ахборот. 19.35 — 10 минут музика, 19.45 — Шерият вухисларига. Тошўлат Ҳамид, 20.00 — Миллионлар ленинча университетини, 20.30 — АХБОРОТ. 20.45 — Қишлоқ ҳўжалик билмилари телевизион халқ университетини, 21.20 — Концерт, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Халоскорлик (бадий фильмнинг 2-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — Кечининан сўғи (бадий фильм), 22.00 — Хўжжатли фильм, 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатулари, 22.00 — Ўрч маслаҳати, 22.10 — Музикали лавҳалар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/III да Семуре (кечқурун), Роголето (кечқурун), 29/III да Богчасарой фонтини (кундузи), Чо-чиносан (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/III да Олтин девор (кундуз соат 12 да), Табассум ўғиллари (кундуз соат 3 да), Ажал минораси (кечқурун), 29/III да Ўғил юлдузи (кундузи), Ажал минораси (кечқурун).

МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/III да Халима (кундуз соат 12 да), Лақма (кечқурун), 30/III да Навоий Астрообода (кундуз соат 1 да), Севишганлар хибони (кечқурун), 31/III да Кумуш тўй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — АЛЬБИНА ЗОТОВА раҳбарлигидаги «АФСОНАВИЙ УЛКА» иллюзион аттракционининг гастроллари (иеч соат 7 йримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 йримда; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 йримда).

Заҳар Беруот — САНЪАТ САРОИИ (кундуз ва кечқурун). Халоскорлик — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8-40 минутда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). Садокат — «КҮЧКА» (кундуз ва кечқурун).